


**MUSTAQILLIK YILLARIDA  
O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINING  
RIVOJLANISH TENDENSIYA VA ISTIQBOLLARI**



*"Go'zal va betakrorimsan, muqaddas Vatanim,  
jonim senga fido, O'zbekistonim!"*

Toshkent 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН  
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
профессор-ўқитувчиларининг  
Илмий мақолалар тўплами*

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг  
25 йиллигига бағишланади**

**Тошкент – 2016**

	кенгайтириш имкониятлари	
Аюбжонов А.Х., Маматкулов Б.Х.	Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш манбаларини самарали такомиллаштириш	297
Хасанов Х.	Сотрудничество Группы ИБР с Республикой Узбекистан	308
Shamshieva N.N.	Strengthening financial sustainability of the budget system on education sphere of the Republic of Uzbekistan	314
<b>VI бўлим. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА СОҲАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШИ</b>		
Пўлатов М.Э., Дадабаев Ш.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида интеллектуал капитал ҳисобини такомиллаштириш масалалари	325
Маматов З.Т.	Совершенствование методики аудиторской проверки начисления амортизации основных средств	336
Тожибоева Ш.А.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида айланма маблағлардан самарали фойдаланиш таҳлили	346
Ходжаева М.Х.	Экономическая сущность и основные принципы организации современного аудита	357
Холбеков Р.О.	Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб сиёсати ва унинг ривожланиш босқичлари	367
Эргашева Ш.Т.	Сув хўжалигида ҳисоб сиёсатини шакллантириш муаммолари	380
<b>VII бўлим. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ПОТЕНЦИАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</b>		
Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З.	Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш таҳлили	398
Абдурахманов А.Д.	Ўзбекистон Республикасида шаҳар аҳолиси ўсиш тенденцияларининг статистик таҳлили	410
Адилова Г.А.	Иқтисодиёт тармоқлари учун олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжнинг эҳтимолий модели ва баҳолаш методикаси	420
Бакиева И.А.	Основные тенденции инновационного развития сферы высшего образования в Республике Узбекистан	431
Ибрагимова Г.Х.	Талаба ёшларни маънавий тарбиялашнинг педагогик муаммо ва ечимлари	442

операцияларини такомиллаштириш зарур.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Бош ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 2016 й. 16 январь.
3. Рашидов О.Ю., Алимов И.И., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. - 434 б.
4. Тоймухамедов И.Р. Банк иши: Ўқув қўлланмаси. – Т.: ТДИУ, 2012. - 282 б
5. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: Финансы и статистика. /Под общ. ред. А.Г. Грязновой. 2002.
6. Тагирбеков К.Р. Основы банковской деятельности (Банковское дело). /Под ред. Тагирбекова К.Р. – М.: Издательский дом «ИНФРА-М», Издательство «Весь Мир», 2003. - 720 с. (Высшее образование).
7. Деньги. Кредит. Банки: Учебник. /Под ред. Г.Н. Белоглазовой. – М.: Высшее образование, 2009. - 392 с.
8. <http://www.dkb-fin.ru/>
9. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
10. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

*И.ф.н., доц. А.Х. Аюбжонов,  
и.ф.н., доц. Б.Х. Маматкулов,  
Статистика кафедраси, ТДИУ*

#### Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш манбаларини самарали такомиллаштириш

*В статье рассматриваются особенности и тенденции развития современной модели финансирования системы здравоохранения. Разработаны с помощью обобщения передового зарубежного опыта финансирования научные выводы и практические предложения по их применению в республике. Разработаны научные выводы и рекомендации модернизации по усилению реализации модернизации материально-технической базы учреждений здравоохранения за счет иностранных кредитов и грантов.*

*Article describes the features of the model of health care financing and trends in the development and evaluation. Institutions of health summarized the best international practices in terms of financing, the financing of the health care facilities offer creative use of the practice of scientific and practical recommendations. Health modernization of material-technical base of international credit and grant funds to strengthen the implementation of the scientific conclusions and recommendations developed.*

**Калит сўзлар:** *тиббий хизматлар, соғлиқни сақлаш тизими, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш, давлат бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар, аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар, мажбурий тиббий суғурта, ихтиёрый тиббий суғурта, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбалари, врачлик пунктларини оптималлаштириш.*

Мустақиллик йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида юртимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасаларининг мукамал тизими вужудга келишига имконият яратиб берди. Халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камолга етишини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, бугун мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида энг мукамал ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизматлар сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда дунёнинг жуда кўп давлатлари ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларни қисқартиришга мажбур бўлмоқда. Юртимизда эса мана шундай мураккаб бир даврда ҳам аҳоли саломатлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилаётгани эътирофга лойиқ. Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизида 10 дан ортиқ республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари ташкил этилиб, улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология, венерология, физиотерапия, пульманология ҳамда эндокринология каби йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу илмий-амалий тиббий марказларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳолати, натижалари, самарадорлиги ва молиявий таъминотини таҳлил қилиш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири саналади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаштириш босқичида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Республикаимизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий ислохотлар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимизда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ушбу масала хусусида тўхталиб, “Биз учун бебаҳо бойлик бўлган халқимизнинг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015-йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Республика болалар суяк-сил касалликлари сиҳатгоҳи, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш

ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди”<sup>104</sup>, - деб таъкидлаб ўтган эдилар.

2015 йилнинг 3 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил учун давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган қўшма йиғилишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат, фан, таълим, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича кўзда тутилган параметрлар муҳокама қилинди: “2016 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8 фоизни ташкил этиб, мазкур тизимни ислох қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доирасида барча тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради.

2016 йилнинг давлат бюджети лойиҳасида соғлиқни сақлаш ташкилотларининг дори-дармон ва озиқ-овқат харажатлари 2015 йил тасдиқланган бюджетига нисбатан 1,15 баравар ўсиш билан назарда тутилиши таклиф этилмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот харажатлари жорий йилга нисбатан 1,16 баравар оширилиш кўзда тутилган”.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш кураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўриқдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила кураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ходимларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, жумладан, илмий тадқиқотчиларнинг самарали ишларида буни яққол кўриш мумкин. Илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида

<sup>104</sup>Каримов И.А. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь, № 11 (6446).

мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилларда қарийб 20 фоизга камайди.

Замонавий электрон тизимларидан фойдаланиш самарасида реал вақт режимида тиббий маълумотлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлиб, тиббиёт ходимларининг меҳнати енгиллашмоқда, фаолият самарадорлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ошмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ташҳис қўйиш ва даволаш ишларини сифатли ташкил этиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорида кенг турдаги инновацион ишланмалар тақдим этилмоқда. Ушбу ишланмаларни жорий этиш ташкилотларга бошқарув жараёнини соддалаштириш, қўл меҳнатини автоматлаштириш ёки сезиларли қисқартириш имконини бермоқда. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечирishiни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. 2016 йил 5 январда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонуни соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этади.

Халқимиз ва келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир. Ҳозирги вақтда ижроси якунига етказилиб, деярли тўла ҳажмда амалга оширилган бу улкан дастурлар асосида бажарилган ишларнинг аҳамияти ва кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Мамлакатимизда юздан зиёд фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда. Ўттизга яқин корхонада халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилган. Соҳага йўналтирилаётган хориж инвестициялари ҳажми йилдан-йилга ортиб, халқимизни сифатли дори билан таъминлаш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноати ички бозорининг учдан бир қисмини маҳаллий дори воситалари билан таъминламоқда. Фармацевтика корхоналари томонидан 90 фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб 1800 га яқин дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда.

Фармацевтика саноати изчил тараққий этаётгани, дори воситалари муомаласи, улардан тиббиётда фойдаланиш жараёнларида кўплаб янгиликлар юзага келаётгани соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этди. Шу мақсадда ривожланган мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги қонунчилиги пухта ўрганилиб, мамлакатимизда ушбу йўналишда орттирилган илғор тажрибалар атрофлича таҳлил этилган ҳолда ва шу асосда қабул қилинган янги таҳрирдаги қонунда кўплаб янги меъёрлар жорий этилган.

Айрим хорижий мамлакатларда, хусусан АҚШ, Канада, Япония ва Финляндиянинг мазкур соҳадаги қонунчилигида тиббий техника ибораси ишлатилган. Тиббий буюмлар ва тиббий техникаларсиз бутунги кунда тиббиёт соҳасини тасаввур қилиш қийин. Дори воситаларининг, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг тиббиёт амалиётида қўлланилишига, қоида тариқасида, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин рухсат этилади. Дори воситалари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари, илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган, лекин бошқача дори шакллари ва дозаларда ёки бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалиётда қўлланилишига рухсат этилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ривожланган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш тажрибасини, келажакдаги истиқболни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий ривожланган давлатларда аҳолининг барча қатламлари тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши, тиббий-профилактик жараёнларда қимматбаҳо технологияларнинг қўлланилиши, тиббий хизматлар нархининг ўсиши, маъмурий харажатларнинг кўпайиши соғлиқни сақлаш тизимида харажатларнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, ҳозирги кунда тиббий хизматлар нархининг ошишига пасайтиришга, унинг самарадорлигини, сифатини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий ислохотлар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1998 йилда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш” концепцияси ва “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш” давлат дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошлади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилаётган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улуш динамикаси умуман ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, ушбу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари учун ажратилаётган маблағлар миқдорини янада ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жаҳон амалиётида кўрсатилишича, аҳолининг тиббий хизматларга бўлган талабини қондиришда соғлиқни сақлаш соҳасининг молиявий барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади. Соғлиқни сақлаш соҳасини самарали молиялаштиришнинг мақсади – аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланишларида конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар ташкил этилишининг ижтимоий тенгсизлигини камайитириш ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни дастурлаштириш – аҳолининг тиббий хизматларга, дори-дармонларга ва санитария-эпидемиологик хизматларга бўлган талабини меъёр даражасида ташкил этишни асослаш ва унинг харажатларини ишлаб чиқишни англатади. Соғлиқни сақлаш



муассасаларини молиявий таъминлаш манбаларини куйидаги турларга гуруҳлаш мумкин:

1. Давлат маблағлари ҳисобидан:

а) тиббий хизматларни молиявий таъминлашда республика ва маҳаллий бюджет даромадлари орқали;

б) соғлиқни сақлашдаги инвестицион лойиҳалар орқали халқаро молия институтлари кредит ва заёмлари асосида.

2. Бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан:

а) тиббий суғурта;

б) пуллик тиббий хизмат;

в) муассасанинг фойдаланишда бўлмаган воситаларини ижарага бериш.

Россия Федерациясида соғлиқни сақлаш тизими харажатлари бирмунча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Лекин шундай бўлса-да, республикада бюджет харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш тизими харажатлари улуши юқорида келтирилган Европа мамлакатларидаги ушбу кўрсаткич билан бир хил даражада.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш харажатлари улуши Нидерландия ва Эстония мамлакатларида 4-6 фоиз атрофида бўлган бўлса, Дания ва Ирландия мамлакатларида ўртача 82 фоизни ташкил қилган.

Кейинги йилларда соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ходимларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар қилинди, жумладан, илмий-тадқиқотчиларнинг самарали ишларида буни яққол кўриш мумкин. Илмий-тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилларда қарийб 20 фоизга камайди.

1-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, Тошкент тиббиёт академиясида 2009-2011 йилларда 242407,0 минг сўмлик илмий тадқиқот ишлари молиялаштирилган бўлса, 2012-2014 йилларда эса ушбу кўрсаткич 329 274,0 минг сўмни ташкил қилиб, 2009-2012 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 135,8 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони эса ушбу даврларда мос равишда 6,5 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2009-2011 йилларда 1057666 минг сўмлик илмий тадқиқот ишлари молиялаштирилган бўлса, 2012-2014 йилларда эса ушбу кўрсаткич 1951111 минг сўмни ташкил қилиб, 2009-2012 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 184,5 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони эса ушбу даврларда мос равишда 8,7 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий  
марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг  
молиялаштирилиши ва ходимлар сони**

№	Ижрочи ташкилот номи	2009-2011 йиллар		2012-2014 йиллар	
		Молиялаш- тирилган маблағ, минг сўм	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони, киши	Молиялаш- тирилган маблағ, минг сўм	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони, киши
1.	Тошкент тиббиёт академияси	242 407,0	453	329 274,0	424
2.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	1 057 666,0	265	1 951 111,0	242
3.	Тошкент фармацевтика институти	485 176,0	116	1 000 824,0	104
4.	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	926 458,0	51	1 408 574,0	53
5.	Андижон давлат тиббиёт институти	102 238,1	14	232 120,9	16
6.	Самарқанд тиббиёт институти	229 502,0	24	254 221,0	11

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009-2014 йиллар бўйича маълумотлари асосида тузилди.

Тошкент фармацевтика институти 2009-2011 йилларда 485176 минг сўмлик илмий тадқиқот ишлари молиялаштирилган бўлса, 2012-2014 йилларда эса ушбу кўрсаткич 1000824 минг сўмни ташкил қилиб, 2009-2012 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 206,2 фоизга ошганини кўриш мумкин. Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони эса ушбу даврларда мос равишда 10,4 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Замонавий электрон тизимларидан фойдаланиш самарасида реал вақт режимида тиббий маълумотлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлиб, тиббиёт ходимларининг меҳнати енгиллашмоқда, фаолият самарадорлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ошмоқда.

Мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорида кенг турдаги инновацион ишланмалар тақдим этилмоқда. Ушбу ишланмаларни жорий этиш ташкилотларга бошқарув жараёнини соддалаштириш, қўл меҳнатини автоматлаштириш ёки сезиларли қисқартириш имконини бермоқда. Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. 2016 йил 5 январда кучга

кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонуни соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини самарали молиялаштиришнинг мақсади — аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланишларида конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар ташкил этилишининг ижтимоий тенгсизлигини камайтириш ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида молиялаштиришни дастурлаштириш — аҳолининг тиббий хизматларига, дори-дармонларга ва санитария-эпидемиологик хизматларга бўлган талабини меъёр даражасида ташкил этишни асослаш ва унинг харажатларини ишлаб чиқишни англатади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда бюджет маблағлари улуши ўртача 94 фоизни ташкил этган ҳолда, қолган қисми бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни камайтириш эмас, балки бошқа харажатлар ҳажминини мақсадли ошириб, иш ҳақи ва унга ажратма учун харажатлар билан ўзаро нисбатни мақбуллаштириш лозим.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Европа мамлакатларида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлаш манбаларининг улуши турли даражаларда бўлмоқда. Мамлакатда бюджет ёки бошқа манба шаклланишига аниқ бир сабаб кўзга ташланмайди. Масалан, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Эстония каби мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини солиқсиз манбалар ҳисобидан молиялаштириш ривожланган бўлса, Буюк Британия, Швеция, Дания ва Ирландия мамлакатларида эса, аксинча бюджет маблағларининг улуши юқоридир. Шу нуқтаи назардан, давлатлар амалга оширадиган ислохотлар натижасида молиялаштириш асосларининг шаклланиши ушбу кўрсаткичлар қандай бўлишига таъсир этаётганлигини қайд этиш мумкин.

Мамлакат ЯИМга нисбатан соғлиқни сақлаш тизими харажатлари Белоруссияда тўрт фоиз, Россияда 3,9 фоиз, Украинада 3,5 фоиз, Мексикада уч фоиз ва Хитойда 1,8 фоизни ташкил этмоқда.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1652-сонли қарори республикамизда соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш доирасида ўзига хос аҳамият касб этади.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, республика тиббиёт муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар миқдорини прогноз қилсак, экспоненциал ҳолатга эга бўламиз. Агарда мазкур маблағларнинг айни ўзгариш тенденциясини вақт бўйича олсак, чизиксиз даражали функцияни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

бюджетининг харажатларида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи 2016 йил 16 январь, № 11 (6446).

2. Рахмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиғи бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи маълумотлари.

**Х. Хасанов,**  
*кафедра «Экономика промышленности», ТГЭУ*

#### Сотрудничество Группы ИБР с Республикой Узбекистан

*Ушбу мақола 2003 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) вакиллари билан ҳамкорлигига бағишланади. Шунингдек, мақолада ИТБ вакиллари фаолиятининг иқтисодиёт тармоқлари билан ҳамкорлиги таҳлил қилинган.*

*This article focuses on cooperation of Uzbekistan with representatives of the Islamic Development Bank since the membership in 2003 to the present day. The article presents the analysis of the activities of representatives of the IDB, and cooperation in the context of the economy.*

*Ключевые слова: ИБР, инвестиционная программа, исламское финансирование, стратегический партнер, Исламская корпорация.*

Республика Узбекистан присоединилась к Исламскому Банку Развития (ИБР) в 2003 году. За этот короткий период сотрудничества, портфель Группы ИБР в Узбекистане вырос в значительной степени благодаря активному сотрудничеству с Правительством республики, что материализовалось с одобрением финансирования ряда приоритетных национальных проектов Инвестиционной Программы Республики Узбекистан, несмотря на то, что Узбекистан стал членом банка позже других стран.